

## V. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2020 йил январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 176,5 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,9 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 2156,0 млн.тн-км. бўлиб, 96,8 фоиз ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

	2020 йил январь-декабрь	2019 йил январь-декабрга нисбатан, фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	176,5	113,9
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	176,5	113,9
Юк айланмаси, млн. тн-км	2150,0	96,8
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	2150,0	96,8

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2019 йил январь-декабрга нисбатан 3,9 фоизга кўпайган ва 6,5 млн. тн-км.ни ташкил қилди.

Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 10,6 фоизни ташкил этди (2019 йил январь-декабрда 8,3 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2020 йил январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 1037,2 млн.киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига

нисбатан 20,0 фоизга камайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 14,0 фоизга камайиб, 9745,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

**Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади**

	<i>2020 йил январь-декабрь</i>	<i>2019 йил январь-декабрга нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	1037,2	79,5
шу жумладан, автомобил транспортида	998,4	81,5
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	9745,1	86,0
шу жумладан, автомобил транспортида	9462,1	88,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2019 йил январь-декабрга нисбатан 5,4 фоизга камайди ва 6194,1 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 63,6 фоизни ташкил этди (2019 йил январь-декабрда 57,8 фоиз).